

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ҚОИДАЛАРИНИ
ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА МУҲОКАМА
ХУЛОСАСИ ВА ТАВСИЯЛАР**

Тошкент, 2021 йил, 30 сентябрь



**Funded by
the European Union**

**Mazkur nashr Yevropa Ittifoqining moliyaviy ko'magi asosida
ishlab chiqilgan. Uning mazmuni bo'yicha barcha mas'uliyat
Xalqaro Yuristlar Komissiyasi zimmasida va Yevropa Ittifoqi
nuqtai nazarini aks ettirmaydi**

Экспертлар муҳокамаси

30 сентябрь куни Юристар халқаро комиссияси (ЮХК), «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг Марказий Осиё (МОМБ) бўйича минтақавий бўлими (ИҲОКБ) Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (НШҲК) Ўзбекистонда амалга оширилиши бўйича экспертлар муҳокамасини ўтказдилар. Муҳокама Европа Иттифоқи (ЕИ) томонидан қўллаб-қувватланаётган «Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқни тадбиқ этишнинг сифатини ошириш» (EQUAL) лойиҳаси доирасида олиб борилди.¹ Унда халқаро экспертлар ва мамлакатдаги манфаатдор тарафлар, жумладан экспертлар, ННТлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишди. Йиғилишда миллий ва халқаро экспертлар, жумладан фуқаролик жамияти вакиллари томонидан НШҲК ратификация қилинганидан сўнг бу соҳада Ўзбекистонда амалга ошириладиган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжатда экспертлар муҳокамасининг асосий жиҳатлари умумлаштирилди ва НШҲКни амалга оширишда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш бўйича тавсиялар берилмоқда. Улар ЮХК, ИҲОКБ, «Юксалиш» ва ЕИнинг нуқтаи назарини акс эттирмайди. Ушбу ҳулосада тадбир давомида билдирилган асосий фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар умумлаштирилди.

Кириш

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ҳар қандай шахснинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тенг равишда ҳимоя қилади.² Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартнома бўлиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари мустаҳкамланган ва хусусан, уларни камситишлардан ҳимоя қилиш кучайтирилган. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича қўмита (НШҲК Қўмитаси) иштирокчи давлатлар томонидан Конвенцияга риоя этилишини назорат қилади.³ Конвенция 2008 йил, май ойида кучга кирди. Конвенция билан бир вақтда кучга кирган НШҲКга [Факультатив протокол](#) Конвенция қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ яқка тартибдаги мурожаатларни қабул қилиш ҳамда бу борада НШҲК Қўмитасининг юрисдикциясини белгилаб беради.⁴

Ўзбекистон НШҲКни 2009 йилда имзолади,⁵ 2021 йил, 7 июнда эса Конвенцияни ратификация қилинди.⁶ Конвенция Ўзбекистон томонидан унинг 12 моддасига писанда (яъни ушбу модда нормалари бўйича мажбуриятларни бажаришни истисно қилиш ва улар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш) билан қабул қилинди.⁷ НШҲКга Факультатив протокол ҳали Ўзбекистон томонидан ратификация қилинмаган. 2021 йил январь ойида мамлакатда "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида" янги қонун кучга кирди.⁸

¹ EQUAL – ЕИнинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан ЮХК ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан биргаликда амалга ошириладиган уч йиллик лойиҳадир. Ўзбекистонда камситилишдан ҳимояланишга муҳтож заиф гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тенг равишда таъминланишида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш орқали кўмак бериш лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади.

² «Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солиниши обзори», <<https://www.un.org/esa/socdev/enable/disovlf.htm>> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 11 октябрь.

³ НШҲК саҳифаси: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/HSHXK/Pages/HSHXKIndex.aspx> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 11 октябрь.

⁴ Уша манба.

⁵ НШҲКнинг мамлакатбай ратификация қилинганлиги: https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsq_no=IV-15&chapter=4&clang=en охириги марта кўрилиши 2021 йил, 29 октябрь.

⁶ Уша манба.

⁷ БМТ шартномалари тўплами, Шартномалар мақоми, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, https://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsq_no=IV-15&chapter=4&clang=en.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» қонуни <<https://lex.uz/ru/docs/5694817>> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 29 октябрь.

НШХК каби халқаро шартномани ратификация қилган Ўзбекистон Конвенциянинг мажбурий кучини тан олди ва уни астойдил амалга оширишни ўз зиммасига олди.⁹ Экспертлар таъкидлаганидек, НШХКни амалга оширишда Ўзбекистон, биринчи навбатда, Конвенциянинг нормалари, шунингдек, уларга умумий шарҳлар ва НШХК Қўмитасининг амалиётини ўрганиши ва қўллаши керак. Ҳеч бир давлат бошқа мамлакатларнинг, айниқса Конвенция нормаларини самарали қўлламайдиган мамлакатларнинг амалиётидан нусха олиши ва уларнинг хатоларини такрорлаши керак эмас. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича "илғор тажриба" аллақачон шаклланишига қарамай, улардан бирортаси ушбу ҳуқуқларнинг тўлақонли амалга оширилишига эришди, деб ишонч билан гапириш мушкул. Бир мамлакатда самарали бўлган Конвенцияни амалга ошириш усуллари бошқа мамлакатларда иш беравермайди: шунинг учун давлатлар нафақат бошқа мамлакатларнинг амалиёти, балки НШХК Қўмитасининг тавсиялари, унинг амалиёти ва Конвенцияни талқин қилишга ёндашувларига амал қилишлари керак.

НШХК: ногиронликнинг инсон ҳуқуқлари моделини киритиш

НШХК иштирокчи давлатларнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳуқуқий ва аслан камситилмасликни, шунингдек уларнинг тенглигини кафолатлаш ва индивидуал этиёжларини оқилона инobatга олишни таъминлаш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятини белгилайди.¹⁰ НШХКнинг 2-моддаси "индивидуал этиёжларни оқилона инobatга олиш" ни "ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча инсон ҳуқуқлари ва асосий еркинликларидан бошқалар билан тенг равишда баҳраманд бўлиши ёки уларни амалга оширишини таъминлаш учун маълум бир ҳолатда уларни нотенг шароитга қўйиши мумкин бўлган номутаносибликни ёки ортиқча оворагарчилик юкини камайтириш учун зарур бўлган тегишли ўзгартириш ва тузатишлар", деб таърифлайди.¹¹ Индивидуал этиёжларни оқилона инobatга олмаслик ногиронлик асосида камситишни ҳисобланади.

Бундан ташқари, НШХК ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатини, шу жумладан судда тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайди: масалан, васият қилиш, турмуш қуриш, тиббий операцияларга розилик бериш ва уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига таъсир кўрсатадиган суд жараёнларида иштирок этиш учун ҳуқуқий лаёқатини ўз ичига олади. Қарор қабул қилиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ташқи ёрдамга бўлган ҳар қандай эҳтиёжи процессуал тарзда қондирилиши керак.¹² Кўпгина ҳолларда ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ташкилотлари давлат муассасалари ва тизимларига, шу жумладан судлар, полиция ва адлия тизимининг бошқа механизмлари ва институтларига кириш нуқтаи назаридан қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, НШХК парадигмани "тиббий" ва "хайрия" моделларидан ногиронликнинг инсон ҳуқуқлари моделига ўзгартирди.¹³ Ногиронлик модели – бу давлат сиёсатида ногиронлик ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларига қандай ёндашиши ва уларни миллий қонунчилик, сиёсат, стратегия, бюджет ва ҳатто касбий ва ижтимоий фикрлаш йўлида тушуниши демакдир. **Тиббий модель** таъсири остида ривожланган ногиронлик тушунчасига кўра, тарихан ногиронлиги бўлган шахсларга "тиббиёт ёрдамида бартараф этилиши керак бўлган нуқсонларга эга инсонлар сифатида қарашган." Худди шундай қилиб, **хайрия модели**да ногиронлиги бўлган шахсларни "раҳм-шафқат ва ғамхўрликка муҳтож" субъектлар деб тушунилади ва уларга шундай муносабатда бўлишни назарда тутди. Ушбу моделларга кўра, ижтимоий тўсиқлар ижтимоий интеграциянинг етишмаслиги, шу жумладан ижтимоий ёки касбий муносабатлар ва қонун қоидалари билан эмас, балки шахснинг индивидуал жисмоний ёки руҳий нуқсонлари билан боғлиқ. Шундай қилиб, ногиронлар ўз нуқсонлари туфайли дискриминациянинг турли шакллари ва истисноларга дучор бўладилар. Турли яқкаланган тиббий, таълим ва бошқа муассасаларга,

⁹ Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси, Венада 1969 йил, 23 майда қабул қилинган. 1980 йил, 27 январда кучга кирди. 26-модда [Ўзбекистон 1995, 12 июлда қабул қилди].

¹⁰ НШХК 5-модда.

¹¹ НШХК 2-модда.

¹² <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Disability/SRDisabilities/Pages/LegalCapacity.aspx>

¹³ Қаранг: Тенглик ва камситилмаслик тўғрисида 8(2018)-умумий шарҳ, CRPD/C/GC/6, 2018 йил, 26 апрель, унда ногиронликка тиббий, хайрия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш моделлари асосидаги ёндашувлар батафсил кўриб чиқилади.

шунингдек мактаб-интернатларга жойлаштирилганда, улар зўравонликка дуч келиши ва фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш хавфи ортади.

НШҲКни ратификация қилиш орқали иштирокчи давлатлар ногиронлиги бўлган шахсларни тизимли камситиш ва ижтимоий яқкалашни бартараф этиш, ногиронликнинг тиббий ва хайрия моделларига асосланган жуда камситувчи сиёсат, қонунчилик ҳамда амалиётдан **инсон ҳуқуқларига асосланган моделга** ўтишни ўз зиммаларига оладилар. Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун Конвенцияга аъзо давлатлар уларга барча зарур ёрдамни тақдим этишлари шарт. Давлатнинг роли ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида самарали, тўлиқ ва тенг асосда иштирок этишига монелик қиладиган тўсиқларни бартараф этишдан иборат.

Инсон ҳуқуқларига асосланган моделнинг моҳияти НШҲКнинг барча қоидаларида акс эттирилган. НШҲКнинг 1-моддаси Конвенциянинг асосий мақсадларидан бири сифатида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзига хос кадр-қимматини ҳурмат қилишни тарғиб этишни белгилайди, ногиронликнинг тиббий ва хайрия моделлари эса бундай шахсларнинг кадр-қимматини инкор этади, чунки улар тўлиқ лаёқатли деб ҳисобланмайдилар, шу жумладан уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонун ҳужжатлари билан чекланади. Конвенциянинг 3-моддасида ногиронликнинг инсон ҳуқуқлари модели келтирилган бўлиб, унда камситмаслик, мустақиллик ва ўз танловини амалга ошириш эркинлиги назарда тутилган.

Бугунги кунда дунё бўйлаб ногиронлиги бўлган шахслар кўпинча уларга тегишли масалалар бўйича қарор қабул қилишда иштирок этиш имкониятидан маҳрум ва ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш бўйича тўсиқларга дуч келмоқдалар. Ушбу амалиётга ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан қонунчилик назорати йўқлиги, шунингдек жамиятда шаклланган салбий стереотиплар замин яратади.

Иштирокчи давлатлар барча камситувчи қонунчиликни бекор қилишлари ва ногиронлик асосида тенгсизликни бартараф этишлари шарт. Мисол тариқасида:

НШҲКнинг 12-моддасида қонун олдида тенглик кўзда тутилган бўлиб, миллий қонун ҳужжатлари кўпинча руҳий касалликларга чалинган шахсларга нисбатан буни инкор этади. Бундай нуқсоглардан азият чекадиган одамлар лаёқатсиз деб ҳисобланади, бу эса ўз навбатида улар ўз қарорларини қабул қила олмасликларини англатади.

Эркинлик ва шахсий дахлсизликни мустаҳкамловчи НШҲКнинг 14-моддаси мажбурий даволанишнинг барча турларини ва (ёки) шахснинг розилигисиз психиатрия муассасаларига жойлаштиришни бекор қилишни назарда тутди. Руҳий саломатлик соҳасидаги қонунчилик ва сиёсат стратегиялари инсон ҳуқуқларига, хусусан, НШҲКга асосланган бўлиши керак.

НШҲКнинг 29-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг овоз бериш ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш ҳаракатланиш имкониятини таъминлаш учун зарур инфратузилма яратишни назарда тутди.

НШҲКнинг 17-моддаси шахсий дахлсизлик, масалан, ногирон қизлар ва аёллар асосан азоб чекаётган мажбурий абортлар ва стерилизацияни бекор қилиш орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

НШҲКнинг 24-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар сегрегацияни ўз ичига олган таълим шакллари йўқ қилишлари ва бунинг ўрнига имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларига жойлаштириш учун етарли бюджет маблағларини ажратиш йўли билан барча болалар учун инклюзив (инобатга олиш) таълимни кафолатлаб беришлари шарт. Бундай мослашувларга имо-ишора ва Брайл ёзувида ўқув материалларини тақдим этиш, шунингдек, таълим жараёни доирасида тегишли болаларнинг муайян эҳтиёжларини қондирадиган муқобил алоқа усулларини ташкил этиш киради.

Ногиронлиги бўлган шахслар кўпинча ишсиз бўлади, кам ҳақ тўланадиган ишларда ёки алоҳидалаштирилган иш жойларида ишлайди. НШХКнинг 27-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат бозорида бошқалар билан тенг равишда рақобатбардош бўлишлари учун ўзларининг меҳнатга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур бўлган очик, қулай ва инклюзив иш муҳитига эга бўлишлари таъминланиши шарт.

НШХК иштирокчи давлатлардан ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Шунингдек, иштирокчи давлатлар оила доирасида яшаш ҳуқуқини таъминлаш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг туну кун яққаланган муассасаларда яшашига йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар. Бунинг ўрнига, давлатлар уларни маҳаллий ҳамжамият даражасида қўллаб-қувватлашларини ва умумий аҳоли учун очик бўлган жамоат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

НШХКда ногиронлиги бўлган шахсларнинг, шу жумладан аёллар ва болаларнинг маргиналлаштирилган (четга чиқариб қўйилган) гуруҳларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ қоидалар мавжуд. Жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар бир қатор ҳолатларда камситишнинг кўплаб мураккаб шаклларига дуч келади. Бундай аёллар жинс асосидаги камситишнинг барча шаклларида, шу жумладан жинсий зўравонлик, аёлнинг розилигисиз аборт ва стерилизациядан ҳимояланган бўлишлари керак. Иштирокчи давлатлар қонун ва маъмурий амалиётнинг камситувчи қоидаларини аниқлаш ва уларнинг таъсирини бекор қилиш мажбуриятини оладилар.

Ўзбекистонга хос контекст ва НШХКни ратификация қилиш

Ногиронларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, хусусан, 18-модда (қонун олдида тенглик), 39-модда (ижтимоий ҳимоя) ва 45-модда (давлат ҳимояси) билан кафолатланган. Сўнги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларга оид икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда мамлакат президенти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган қирқдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида ишончли статистик маълумотлар мавжуд эмас. Расмий статистика бир текис эмас, турли давлат идораларининг маълумотлари бир-биридан фарқ қилади; бундан ташқари, улар етарли даражада тоифаларга ажратилмаган. Ажратилган маълумотлар асосан ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонини, уларнинг жинси, ногиронлик гуруҳи ва яшаш жойини акс эттиради. Расмий статистика ногиронлигини тегишли органда тасдиқламаган одамларни қамраб олмайди, яъни ногиронликнинг расман қайд этилмаганлиги шахсни эътибордан четда қолиб кетишига олиб келади.

Муҳокама давомида келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда 750 мингдан ортиқ киши янги ташкил этилган тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясида (ТИЭК)¹⁴ ногиронлигини тасдиқлаган¹⁵. Агентлик даражаси ва оғирлигига қараб бирдан учгача бўлган ногиронлик гуруҳларини тайинлайди.¹⁶ Ҳаммаси бўлиб 71 000 киши биринчи ногиронлик гуруҳига, 500 000 киши иккинчисига ва 62 000 киши учинчисига тегишли.¹⁷ Ушбу тақсимланиш хатбошининг аввалида кўрсатилган умумий сонга тўғри келмайди, чунки ушбу маълумотлардан мамлакатда 633 000

¹⁴ Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил, 25 мартдаги 5038-сон Фармонида асосан барпо этилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигини вориси ҳисобланади. Аввал ногиронликни белгилаш учун масъул бўлган Тиббий меҳнат эксперт комиссия ўрнига Тиббий санитария эксперт комиссияси жорий этилди.

¹⁵ Олий Мажлис Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш: миллий ва халқаро тажриба, истиқболдаги режалар" мавзуидаги конференцияси: <https://parliament.gov.uz/ru/events/committee/35264/?sphrase_id=7826673> 2021 йил, 2 ноябрь.

¹⁶ I ногиронлик гуруҳи меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ва ташқи ёрдам ва ғамхўрликка муҳтож шахсларга берилади; II гуруҳ иш қобилиятини бутунлай йўқотган ва ташқи ёрдам ва ғамхўрликка муҳтож бўлмаган шахсларга берилади; III гуруҳ иш қобилиятини қисман йўқотган ва ташқи ёрдам ва ғамхўрликка муҳтож бўлмаган шахсларга берилади: <<https://my.gov.uz/ru/life-situations/10>> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 1 ноябрь.

¹⁷ Маълумотни тадбирда сўзга чиққанлардан бири, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар бўйича қўмитаси аъзоси Қодир Жўраев берди.

га яқин ногиронлиги бўлган шахслар борлиги келиб чиқади. Агар бу рақамлар маълум даражада ҳақиқатни акс эттирса, 100 000 дан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар статистикадан чиқиб кетиши мумкин.

Бироқ, юқоридаги рақамларнинг ҳеч бири ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳақиқий ҳолатни акс эттирмаслиги ҳам мумкин. ЖССТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг бир миллиарддан ортиғи ёки 15 фоизи ногиронликнинг бирон бир шаклига эга.¹⁸ Агар ушбу фоиз қийматини Ўзбекистонга тахминан татбиқ қилинадиган бўлса, аслида Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сони 3-5 миллион кишини ташкил қилиши мумкинлигини тахмин қилиш мумкин.

2021 йилда "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида" янги қонун кучга кирди.¹⁹ Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ногиронлиги бўлган шахслар уюшмаси иштирокида тайёрлангани мутахассислар томонидан ижобий ҳол сифатида қайд этилди. Ушбу қонун лойиҳасининг кўплаб қоидалари парламент томонидан қабул қилинган қонуннинг якуний матнига киритилган. Бу айниқса муҳим эди, чунки Ўзбекистонда, шунингдек, бутун дунёда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролик жамияти ташкилот (ФЖТ)лари тегишли ҳуқуқлар соҳасида юқори ихтисослашган билимларга эга ва уларнинг аъзолари кундалик ҳаётларида ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишда тўсиқларга дуч келадиган одамлардир.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича НШҲКни амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаси тайёрланди. Чора-тадбирлар режаси лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ифодаловчи ваколатли органлар ва ФЖТлари билан биргаликда ишлаб чиқилган. Ҳаракат режасини тузишда иштирок этган ўттиз нафар экспертдан ўн нафари фуқаролик жамияти ташкилотлари вакили эди.²⁰ Режада олтита тоифага бўлинган бир юз йигирмадан ортиқ чора-тадбирлар, шу жумладан қуйидагилар кўзда тутилган: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тартибга солиш; улар учун қулай инфратузилмани таъминлаш; инклюзив таълим; реинтеграция ва реабилитация чоралари; ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилишни таъминлаш; НШҲК қўмитасига даврий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш.

Ўзбекистонда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентствоси мавжуд бўлиб, у ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли хизматларни кўрсатади. Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ қатор масалалар билан шуғулланадиган ўн иккита вазирлик ва идора мавжуд. Бироқ, ушбу функцияларни турли органлар ўртасида тақсимлаш ва улар фаолиятининг тарқоқлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларига изчил ва стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришга имкон бермайди.

Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар учун идоралараро Кенгаш ташкил этилган бўлиб, унга ҳозирги кунда 15 вазирлик ва идоралар ҳамда биргина нодавлат ташкилот (Ўзбекистон ногиронлиги бўлган шахслар жамияти) вакиллари киради. Турли ногиронлиги бўлган шахслар Кенгашда етарлича вакилларга эга эмас. Шу муносабат билан кенгаш фаолиятига ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини, шу жумладан кўриш ва эшитишда нуқсонли бўлган одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ННТларни жалб қилиш зарур.

2021 йил апрелдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлик нафақалари учун онлайн тарзда мурожаат қилишлари мумкин. Шу билан бирга, ногиронлик нафақасини олган шахслар ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шу билан бирга, мамлакатда ногиронлик нафақалари миқдори жуда оз.

¹⁸ Ногиронлик тўғрисида умумжаҳон маърузи, ЖССТ < <https://apps.who.int/iris/handle/10665/44575> > охириги марта кўрилиши 2021 йил, 3 ноябрь.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида» қонунини <<https://lex.uz/ru/docs/5694817>> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 29 октябрь.

²⁰ НШҲКни Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича жамоат муҳокамаси: <http://www.nhrc.uz/ru/news/obsuzhdena-realizatsija-konventsii-oon-o-pravah-invalidov-v-uzbekistane> охириги марта кўрилиши 2021 йил, 1 ноябрь.

Ўзбекистонда НШХК қоидаларини амалга ошириш бўйича халқаро ва миллий экспертларнинг тавсиялари

Тадбир давомида иштирокчилар, жумладан, фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотлар вакиллари НШХК ратификация қилинганидан сўнг давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тавсияларни баён этдилар. Ушбу тавсиялар мунозаранинг барча иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланган бўлмаслиги мумкин, аммо такрорламаслик учун улар уларни айнан таклиф қилган мутахассисларга нисбат бериб эмас, балки мавзулар бўйича тақсимланди.

НШХКнинг янада самарали ва тезкор бажарилишини таъминлаш мақсадида иштирокчилар тегишли давлат органларига қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишни таклиф қилдилар.

Халқаро ҳуқуқ ва тегишли механизмларга доир

- янада самарали воситаларни таъминлаш учун яқка тартибда шикоят бериш механизмини назарда тутадиган НШХКга Факультатив протоколни ратификация қилиш;
- Конвенция руҳига, шунингдек инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасига ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 26-моддасига зид эканлиги важи билан НШХКнинг 12-моддасига қилинган писандани қайтариб олиш. Умуман олганда, НШХК (жумладан, лекин 12-модда билан чекланмаган ҳолда) субститутив қарор қабул қилиш режимини қўллаб-қувватловчи (суппортив) қарор қабул қилиш режими билан алмаштиришни тавсия этади.

НШХКни амалга ошириш жараёнига доир

- НШХК қоидаларини нафақат миллий қонун ҳужжатлари даражасида, балки БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачининг кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда бошқа зарур чораларни, шу жумладан суд қарорлари ва процедураларини, шунингдек ҳуқуқни самарали қўллаш орқали амалга ошириш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ўз-ўзини рўёбга чиқариш бўйича Минтақавий кенгашини тузиш;
- Ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда миллий ҳаракатлар режасини ва НШХКни амалга ошириш учун йўл харитасини тайёрлаш. Бундай ҳаракатлар режасини амалга ошириш учун етарли бюджет маблағларини ажратиш, шунингдек амалга оширишнинг аниқ муддатларини белгилаш керак;
- НШХКга мувофиқ ногиронликнинг инсон ҳуқуқлари моделини бевосита тан олиш ва унинг қонун даражасида ҳар томонлама мустаҳкамланишини таъминлаш;
- НШХКни амалга ошириш бўйича ютқларни баҳолаш кўрсаткичларини яратиш;
- Ногиронлиги бўлган шахслар ўқиши, ишлаши ва эркин ҳаракатланиши учун "тўсиқсиз муҳит" миллий дастурини ишлаб чиқиш;
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг жамиятга қўшган ҳиссалари тўғрисида хабардорликни ошириш учун оммавий кампанияларни ўтказиш;
- Юристар, судьялар ва прокурорлар, шунингдек ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлайдиган мутахассислар, шу жумладан тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар учун НШХКдан келиб чиқадиган давлат мажбуриятлари бўйича тренинглари ва малака ошириш курсларини ўтказиш. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ташкилотларини давлат хизматчилари учун тренинглари тайёрлашга жалб этиш керак;
- ногиронлиги бўлган шахслар бўйича маълумотлар йиғиш тизимини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш. Бундай шахслар, шу жумладан уларнинг жинси, ёши, миллати, ногиронлик тури, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, бандлиги, яшаш жойи ва жамиятда дуч келадиган тўсиқлар тўғрисида тоифаларга ажратилган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш. Хусусан, НШХК қўмитасининг тавсиясига биноан ногиронлик статистикаси бўйича Вашингтон гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган услубларга риоя

қилиш тавсия этилади.²¹ Яқин келажакда, 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш режалаштирилганлиги муносабати билан, ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида ишончли статистик маълумотларни олиш мақсадли қарор қабул қилиш учун жуда муҳимдир.

Қонун ҳужжатларига доир

- қонунда ногиронлик асосида камситиш тушунчасини НШҲК таркибидаги таърифга мувофиқ аниқ белгилаш; ногиронлик асосида камситиш тўғрисида тегишли қоидалар билан дискриминацияга қарши қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш;
- қонунчиликка "оқилона мослаш" ва "универсал дизайн" тушунчаларини, шунингдек одил судловдан тўсиқсиз фойдаланиш қафолатларини киритиш;
- Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳолида бўлгани каби, ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳам тегишли ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқиш;
- Миллий қонунчилик ва сиёсий стратегияларни НШҲК қоидалари орқали, жумладан, "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва руҳий саломатлик соҳасидаги қонун ҳужжатлари, жамоат ташкилотлари, айниқса ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотларини жалб этган ҳолда кенг миқёсда қайта кўриб чиқиш. Шу муносабат билан, Конвенция қоидаларини яхшироқ тушуниш учун НШҲК қўмитасининг умумий шарҳларидан фойдаланиш;
- амалдаги миллий қонунчиликда мустаҳкамланган "ногиронлиги бўлган шахслар" ва "ногиронлик асосида камситиш" тушунчаларини НШҲКга мувофиқлаштириш.
- табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида фавқулодда хизматлар учун қонун даражасида аниқ кўрсатмалар ва жавоб чораларини белгилаб қўйиш. Эпидемия ва пандемия пайтида карантин чоралари (ниқобларни мажбурий тақиш ёки эмлаш)да ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида эҳтиёжлари ва шароитларини ҳисобга олиш;
- Ногиронлиги бўлган шахсларга муносиб турмуш даражасининг қонунчилик қафолатини таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига кўра, пенсиялар ва нафақалар яшаш минимумидан паст бўлиши мумкин эмас. Ваҳоланки қонун чиқарувчи томондан ногиронлиги бўлган шахслар учун пенсия ва нафақалар миқдорини аниқлашда муҳим омил ҳисобланган "истеъмом савати" ва "яшаш минимуми энг кам миқдори" тушунчалари ҳали киритилмаган;
- иш қидириш даврида ногиронлиги бўлган шахсларга (барча бошқа тоифадаги фуқароларга тўланганидек) ишсизлик нафақасини тўлаш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг суд процессида мустақил равишда иштирок этиш имконини тўлиқ таъминлаш, шу жумладан индивидуал ҳаракатлана олиш ва суд залида мустақил жойлашиш шароитларини яратиш бўйича процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.

Муассаса ва тартибларга доир

- Конвенциянинг бажарилишини назорат қилувчи мустақил орган сифатида бюджетдан етарли даражада қўллаб-қувватланадиган ва унинг мустақиллигини таъминлайдиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтни ташкил этиш. Бундай муассаса фаолиятини кузатишда ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг самарали ва мазмунли иштирокини таъминлаш жуда муҳимдир;
- ногиронлиги бўлган шахсларга, уларнинг хилма-хиллигига эътибор қаратиб, шу жумладан интеллектуал ва психосоциал ногиронлиги бўлган шахсларга, аутизмли одамларга, ногиронлиги бўлган аёллар ва болаларга, қишлоқ жойларида яшовчи ногиронлиги бўлган шахсларга ва қўллаб-қувватлашнинг юқорида даражасига муҳтож

²¹ Ногиронлик статистикаси бўйича Вашингтон гуруҳи (ВГ) соғлиқни сақлаш статистикаси соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тарғиб қилади ва мувофиқлаштиради, айниқса эътибор аҳолини рўйхатга олиш ва миллий тадқиқотлар учун ногиронлик кўрсаткичларини ишлаб чиқишга қаратилган. ВГ томонидан ишлаб чиқилган масалалар рўйхатидан фойдаланиш давлатларга ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида янада ишончли статистик маълумотларни олиш имконини беради. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда миллиарддан ортиқ одам ногиронликнинг бирон бир тури билан яшайди.

кишилар учун турли ташкилотларъбилан мазмунли ва самарали қўллаб-қувватлаш ҳамда маслаҳатлашув механизмларини яратиш;

- ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотларининг мустақиллигини таъминлаш муҳимдир;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш учун махсус ваколатли органни яратиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий хизматларга муурожаат қилишлари мумкин бўлган ижтимоий хизматлар платформасини яратиш;

имкон қадар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фуқаролик жамияти ташкилотларининг кенг иштирокини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни, тегишли муассасаларга жалб қилиш орқали уларнинг ҳуқуқларини тартибга солиш бўйича қарорларни "бизсиз биз тўғримизда ҳеч нарса қилинмасин" тамойилига амал қилган ҳолд қабул қилиш;

- Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида манзилли ёрдам маълумотлар базасини яратиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар учун Шахсий ёрдамчилар тўғрисидаги низомларни қабул қилиш;
- НШҲКнинг 9-моддасига мувофиқ, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектларини (мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, касалхоналар, жамоат транспорти ва бошқа жамоат жойлари) барча ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, масалан, йўлбошчи итлардан фойдаланадиган шахслар учун фойдаланиш имкониятини яратиш. Пандусли инватакси ва микроавтобуслардан аравачадаги ногиронлиги бўлган одамлар фойдаланиш имкониятини яратиш.